

---

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури амалда

Ўзбекистон туманида "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Туман прокуратураси ташаббуси билан ҳам айни дастур доирасида 2-сектор худудидаги маҳаллаларда кам даромадли, эҳтиёжманд оиласаларни фаровон, яхши турмуш даражасига олиб чиқиш мақсадида амалий тадбирлар ташкилланди.

Хусусан, туман прокурорига бириктирилган "Қумбости" МФЙда яшовчи, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимоя мухтоҷ фуқаро Д.Акбарованинг ҳоҳиш истагидан келиб чиқиб, уни моддий аҳволини яхшилаш, доимий тирикчилик манбаига эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида тикув машинаси берилди.

Шунингдек, сектор худудидаги "Фаровон келажак" МФЙда яшовчи, уй-жойга мухтоҷ бўлган фуқаро М.Каримовга 4 хонали уй, "Қумбости" МФЙда яшовчи, оиласида ногиронлиги бўлган, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган фуқаро М.Мадумаровга эса 3 хонали уйлар қуриб берилмоқда.

Худудларда бу борадаги ишлар давом этмоқда.

2024-11-26 18:17:17